
ВИЛОЯТ ҲОКИМИ ХАЙРУЛЛО БОЗОРОВ ТУРКИЯНИНГ ТЕК ENERJИ КОМПАНИЯСИ РАИСИ ИБРАҲИМ ШАҲИНТАШ БОШЧИЛИГИДАГИ ДЕЛЕГАЦИЯ ВАКИЛЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Учрашувда турк ишбилармонлари томонидан вилоятимизда энергетика соҳасидаги янги лойиҳаларга инвестиция киритиш масалалари муҳокама қилинди.

Вилоят раҳбари меҳмонларга ҳамкорликдан мамнун эканлигини билдириб, мамлакатимизда муқобил энергия манбаларини жорий этишга муҳим эътибор қаратилаётгани, бу йўналишда йирик лойиҳалар амалга оширилаётганини қайд этди.

Ибраҳим Шаҳинташ компания 20 йил давомида энергетика соҳасида фаолият олиб бораётганлиги, ушбу даврда 200 дан ошиқ лойиҳалар амалга оширилганлигини маълум қилди. Туркия билан бирга Европа ва Болқон давлатларида ҳам кўплаб лойиҳалар ишга туширилгани ва Марказий Осиёда илк бор Ўзбекистонда илк лойиҳа қурилаётганлиги ҳақида маълумот берилди. Асосий мақсад халқаро стандартлар асосида сифатли, рақобатбардош ва ҳавони ифлосланишини олдини олувчи лойиҳалар сонини кўпайтириш эканлиги қайд этилди. Фарғонада ҳам қуёш панелларини қуриш ва бошқа соҳаларда лойиҳаларни амалга ошириш истагини билдирди.

Шунингдек, ушбу компания томонидан Туркияда қилинган ишлар бўйича тақдимот ҳам ўтказилди.

Вилоят ҳокими турк инвесторларини лойиҳаларини қўллаб-қувватлаб, ҳамкорликка тайёрлигини билдирди. Вилоятимизда ҳам хонадонлардан тортиб йирик корхоналарга қуёш панеллари ўрнатилаётганлиги ўз самарасини бераётганини айтиб ўтди. Сифатли ва мақбул нарх таклиф қилинса, ҳамкорлик қилиш маълум қилинди.

Меҳмонлар вилоятдаги ушбу йўналишда амалга оширилаётган ишлар, жойлар билан танишиб чиқиб, ўз таклифларини билдиришга келишилди.

ТЕК Enerji электр тизимларининг таъминоти, таъмири, лойиҳалаштириш ва муҳандислик хизматлари билан шуғулланувчи Туркиядаги йирик компаниялардан бири ҳисобланади.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2024-10-07 22:42:01